**3-6-ИЛОВА**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ** | |
| | Тўлиқ: | «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки |
| | Қисқартирилган: | «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ |
| | Биржа тикерининг номи: | AABK |
| 2. | **АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ** | |
| | Жойлашган ери: | 100047, Ташкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А |
| | Почта манзили: | 100047, Ташкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А |
| | Электрон почта манзили: | info@aab.uz |
| | Расмий веб-сайти: | aab.uz |
| 3. | **МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ** | |
| | Муҳим фактнинг рақами: | 06 |
| | Муҳим фактнинг номи: | Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар |
| | Умумий йиғилиш тури: | Навбатдан ташқари |
| | Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: | 14.09.2022 |
| | Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана: | 23.09.2022 |
| | Умумий йиғилиш ўтказилган жой: | 100047, Ташкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А |
| | Умумий йиғилиш кворуми: | 100% |

| № | Овоз беришга қўйилган масалалар | Овоз бериш якунлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ёқлаш | | қарши | | бетарафлар | |
| | | % | сони | % | сони | % | сони |
| 1 | Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишни ўтказиш регламентини ва котибини тасдиқлаш | 100 | 747 105 692 | - | - | - | - |
| 2 | Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини ўрнатиш ва у билан шартнома тузиш. | 100 | 747 105 692 | - | - | - | - |
| 3 | Банк фойдасини тақсимлаш | 100 | 747 105 692 | - | - | - | - |
| 4 | Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилиш | 100 | 747 105 692 | - | - | - | - |

Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:

| | |
|---|---|
| 1 | 1.1. Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламенти қуйидагича тасдиқлансин:<br>- кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқиш – 10-15 минут;<br>- кун тартибидаги масалалар бўйича савол-жавоб – 10-15 минутдан.<br>1.2. Акциядорларининг умумий йиғилиши йиғилиши котиби номзодлигига У.А. Хакимов янги номзод тасдиқлангунга қадар тасдиқлансин. |
| 2 | 2.1. “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ 2022 йил натижалари бўйича молиявий ҳисоботларини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш ва 2022 йил натижалари бўйича Банк молиявий ковенантлар ҳисоб-китобини тасдиқлаш учун “Ernst&Young” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин.<br>2.2. Банк молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказиш ва 2022 йил натижалари бўйича Банк молиявий ковенантлар ҳисоб-китобини тасдиқлаш доирасида “Ernst&Young” МЧЖ аудиторлик ташкилоти хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда 1 392 500 000 сўм деб белгилансин.<br>2.3. Банк Бошқарувига (Хакимов) “Ernst&Young” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилиши ва Банк молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказиш ва 2022 йил натижалари бўйича Банк молиявий ковенантлар ҳисоб-китоби тасдиқланиши таъминлансин. |
| 3 | 3.1. Банк фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин:<br>2022 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича 71 196 331 632,24 сўм фойдадан:<br>12 810 021 802,44 сўм Банкнинг умумий захира фондини шакллантиришга;<br>58 386 309 829,80 сўм оддий акциялар бўйича дивиденд тўлашга йўналтирилсин.<br>Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдадан 145 289 643 923,24 сўм оддий акциялар бўйича дивиденд тўлашга йўналтирилсин.<br>3.2. Бир дона оддий акция учун 272,62 сўм миқдорда дивидендлар тўлаш уларни тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб олтмиш кун ичида амалга оширилсин.<br>Дивидендларни тўлашнинг бошланиш санаси – 23 сентябрь 2022 йил; |

| | | |
|---|---|---|
| | | Дивидендларни тўлашнинг тугатиш санаси – 11 ноябрь 2022 йил.<br>Дивидендлар тўлаш пул маблағлари ва Банк оддий акциялари билан амалга оширилади. Бунда дивидендларни пул маблағлари билан тўлаш акциядорларнинг банк ҳисобварақларига нақдсиз шаклда пул ўтказиш ва банк кассалари орқали нақд пулда амалга оширилади, оддий акциялар билан тўлаш акцияларнинг қўшимча чиқарилиши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида рўйхатга олинганидан кейин амалга оширилади.<br>Расман эълон қилинган йиғилиш ўтказиш санасидан уч иш куни олдин акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга. |
| | 4 | 4.1. Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши амалга оширилсин. Умумий суммаси 193 492 155 500 (бир юз тўқсон уч миллиард тўрт юз тўқсон икки миллион бир юз эллик беш минг беш юз) сўм бўлган номинал қиймати 250 (икки юз эллик) сўм 773 968 622 (етти юз етмиш уч  миллион тўққиз юз олтмиш саккиз минг олти юз йигирма икки) дона оддий эгасиниг номи ёзилган ҳужжатсиз акциялар чиқарилмин.<br>Акцияларни жойлаштириш акцияларнинг қўшимча чиқарилиши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир ой муддатда амалга оширилади.<br>Жойлаштиришни бошлаш санаси: акцияларнинг қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган сана.<br>Жойлаштиришни тугатиш санаси: ушбу чиқарилишдаги охирги акция жойлаштирилган сана, лекин акцияларнинг қўшимча чиқарилиши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир ойдан ортиқ бўлмаган муддат.<br>Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш 2022 йил 8 сентябрь ҳолатига шакллатрилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар орасида ёпиқ обуна орқали амалга оширилади.<br>Акцияларни жойлаштириш тартибга солинмаган биржадан ташқари бозор орқали белгиланган тартибда тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш билан андеррайтерларни жалб қилмасдан амалга оширилади.<br>Акциялар жойлаштириш нарҳи – бир дона акция номинал қийматида (250 сўм);<br>Пул маблағи бўлмаган шаклда тўлов кўзда тутилмаган. Акцияларни тўлови 2022 йил 14 сентябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишининг дивидендларни оддицй акциялар билан тўлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Банк акциядорларига ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан амалга оширилади.<br>Акцияларни жойлаштириш даври мобайнида акцияларнинг умумий ҳажмниг 60% кам ҳажмда жайлаштирилган тақдирда ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилади.<br>Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат орган томонидан акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда Банк томонидан ушбу ҳолат тўғрисидаги расмий билдиришномани оммавий ахборот воситаларида, Корпоратив ахборот ягона порталида,  шу жумладан ўзининг корпоратив веб-сайтида ва эълон қилади.<br>Маблағлар қайтарилиши 5 банк иш куни ичида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. |

Бошқарув Раиси в.б. — Хакимов Умиджон Абдухаликович

Бош бухгалтер — Ходжаев Равшанжон Рустамович

Ғазначилик бошқармаси бошлиғи в.в.б. — Саматов Зафар Пайзуллоевич